
ФАРГОНАДАН МИСРНИНГ ШАРМ-АШ-ШАЙХ ШАҲРИГА ДОИМИЙ АВИАҚАТНОВЛАР ҚҮЙИЛИШИ РЕЖАЛАШТИРИЛМОҚДА

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Мисрнинг Air Cairo чартер авиакомпанияси вакиллари Мухаммед Юнус Юсеф ва Талгат Даировларни қабул қилди.

Учрашувда Air Cairo авиакомпанияси томонидан Фарғона ва Мисрнинг Шарм-аш-Шайх шаҳри ўртасида доимий авиақатновлар йўлга қўйиш масаласи муҳокама қилинди.

Фарғона халқаро аэропортини хорижлик ҳамкорлар билан биргаликда давлат-хусусий шериклик асосида модернизация қилиш ва бошқариш лойиҳаси устида иш олиб борилаётганини маълум қилган вилоят ҳокими, Миср билан тўғридан тўғри авиақатновларнинг йўлга қўйилиши аэропортда йиллик йўловчилар оқимини кенгайишига, Миср билан Фарғона ўртасида ҳар томонлама ҳамкорлик алоқалари ривожланишига хизмат қилишини таъкидлаб, вилоят ҳокимлиги томонидан ҳар томонлама кўмак беришга тайёр эканликларини билдириди.

Ёз бошларида йўлга қўйилиши режалаштирилаётган қатновларга Транспорт вазирлиги ҳузуридаги фуқаро авиацияси агентлигидан руҳсатнома расмийлаштиришни жадаллаштириш бўйича биргаликда иш ташкил этилишига келишиб олинди.

Учрашувда вилоят ҳокимининг ўринbosарлари Нуриддин Мамажонов ва Хуршидjon Аҳмедов, шунингдек, соҳага масъул вилоят бошқарма ва ташкилотлари раҳбарлар ҳам иштирок этдилар.

2003 йилда ташкил этилган Air Cairo чартер авиакомпаниясининг штаб-квартираси Қоҳирада жойлашган бўлиб, Мисрнинг миллий авиаташувчиси "EgyptAir" таркибига киради. 30 та замонавий лайнерларга эга бўлган авиакомпания ҳозирда Миср шаҳарларига, 30 га яқин давлатларга, шу жумладан, Тошкент шаҳрига жами 70 дан ортиқ йўналишларга парвозларни амалга ошириб келади.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2023-12-22 11:53:44